



ХАВАР

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1997 йил, 17 октябрь № 42 (270)

Сотувда нархи эркин

Авалло Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлигининг Бош директори, ҳайъат раиси А. Ҳ. Жўрабоев йиғилиш қатнашчиларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қароридан тасдиқланган ҳайъат аъзоларининг янги таркиби билан таништирди. Ҳайъат аъзолари қаторида агентлик бош директорининг биринчи ўринбосари В. Л. Штейнберг, агентлик бош директорининг ўринбосарлари Ш. Ш. Обидхўжаев, М. М. Махмудов, почта ва телекоммуникация ривожини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасининг директори А. Н.

Маърузада қайд этилишича, жорий йилнинг 9 ойида алоқа корхоналари томонидан 8,264 миллиард сўмлик, шу жумладан, аҳолига 1,71 миллиард сўмлик хизмат кўрсатилиб, 3,55 миллиард сўм даромад олинди. Фаолиятдан олинган ялпи даромад ҳажмининг 88,0 фоизи давлат корхоналари, 2,0 фоизи — ҳиссадорлик жамиятлари, 10,0 фоизи — қўшма корхоналарга келиб тушди. Бюджет (солик, йиғим ва тўловлар)га чегириш даромаднинг 20,2 фоизи ташкил этди. Телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва модернизациялашга 957,4 миллион сўм ёхуд даромаднинг 11,6 фоизи йўналти-

рига қадар ҳиссадорлик жамиятларга айлантирилиши керак.

Маърузада яна дебиторлик қарзларининг аҳволи ташвишланарли экани айтиб ўтилди. 1997 йилнинг 1 октябрида бу қарзлар 1,9 миллиард сўм бўлиб, шунинг 63 фоизини электралоқа корхоналарининг қарзлари ташкил этди. Шу туфайли тармоқ молиявий қийинчиликларни бошдан кечирмоқда.

Ҳайъат муҳокама қилинган масалалар бўйича тегишли қарор қабул қилди. Агентлик, ҳиссадорлик компаниялари, алоқа корхоналари раҳбариятининг эътибори иш самара-



Раъно Тўлаганова «Жиззах телеком» қўшма корхонасида ўқув базаси мудираси бўлиб ишлайди. У айни кунларда Пахтакор туманидаги «Навбахор» ижара ширкатлар бирлашмаси пахтакорларига ёрдам бериб, кунига 70-80 килограмм пахта термоқда.

Б. ТОШМАТОВ олган сурат

ЯНГИ ТАРКИБДАГИ ҲАЙЪАТ

Почта ва телекоммуникация агентлиги ўзининг дастлабки йиғилишини ўтказди.

Орипов, Давлат Алоқа Назорати (ДАН) бошлиғи Ф. М. Зиёев, Илмий-техник ва маркетинг тадқиқотлари Марказининг директори Р. И. Исоев, Радиочастоталар бўйича Давлат комиссияси (РЧД) раисининг ўринбосари К. С. Коновалов, Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг раиси Т. Н. Назаржонов, Тошкент электротехника Алоқа институти (ТЭАИ) ректори Т. Д. Ражабов, агентликнинг ахборот хавфсизлиги бўлими бошлиғи Ш. З. Юнусовлар бор.

А. Ҳ. Жўрабоев ҳайъат аъзоларининг фаолият йўналишлари хусусида ахборот бериб, уларнинг истиқболдаги вазифаларини баён қилди. Қайд этиш жоизки, янги муассаса — Агентлик ҳайъатининг янги таркибига асосан алоқанинг давлат сектори вакиллари киритилди.

Ҳайъат йиғилишида 1997 йилнинг 9 ойи якунлари бўйича соҳада иқтисодий ислохотларнинг бориши ҳақидага масала кўриб чиқилди. Агентлик бош директорининг ўринбосари М. М. Махмудов маъруза қилди.

Маърузада қайд этилдики, ўтган даврда Ўзбекистон почта ва телекоммуникация соҳасида алоқа тармоқларининг мўътадил ишлашини таъминлаш, таркибни ва мулкни қайта ташкил этиш, сармоя жалб қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Чунончи, мамлакатимиз Президентининг Фармонида биноан тугатилган давлат бошқаруви ва йўналтириш ташкилоти — Алоқа вазирлигининг мақоми, мақсад ва вазифалари ўзгартирилиб, шу асосда Почта ва телекоммуникация агентлиги ташкил этилди. Почта ва электралоқа корхоналарининг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳамда шу асосда «Маҳаллий телеком», «Халқаро телеком» акционерлик компаниялари ва «Ўзбекистон почтаси» Давлат акционерлик компаниясини ташкил этиш ҳақидаги таклифлари қабул қилинди.

рлиди. Кредит тўловлари 840,0 миллион сўм ёхуд даромаднинг 10,2 фоизини ташкил этди. Барча корхоналар зарарсиз ишлада. Уртача рентабеллик 49 фоизни, сармоялар ва хорижий кредитларга тўланган маблағларни ҳисобга олганда эса 25,0 фоизни ташкил этди.

Тўққиз ой мобайнида асосий телефон аппаратлари сони 14,3 мингтага кўпайди, 18,01 мингта янги АТС рақамлари ишга туширилди, бундан ташқари, 43,35 минг рақам қайта таъмирланди. 1997 йилнинг 1 октябрида Ўзбекистон тармоғидаги асосий телефон аппаратларининг сони 1472,4 мингтага ташкил этди. Почта алоқаси корхоналарининг иш ҳажми анча ошди. Алоқа соҳасидаги фаолият ҳуқуқини кафолатловчи 128 та лицензия берилди. Транс-Осиё-Европа шиша толали кабел магистрали Миллий сегментининг биринчи боққичи қурилиши тугалланди, бу кабелнинг 900 километрдан кўпроғи ётқизилди. 1997 йилнинг декабрига бутун линияни ишга тушириш мўъжалланмоқда.

Жами 2079,5 миллион сўмлик капитал маблағ, шу жумладан, 135,5 миллион сўм — бюджет ҳисобидан, 957,4 миллион сўм — ўз маблағи ҳисобидан, 983,2 миллион сўм — хорижий кредитлар ҳисобидан, 3,3 миллион сўм — банк кредитлари ҳисобидан ўзлаштирилди. Тармоқ ходимлари таркиби ўтган йилнинг шу пайтига нисбатан 100,9 фоизни, бошқача айтганда, 49,5 минг кишини ташкил этди, уртача иш ҳақи ойига 4220 сўмни ташкил этди.

Туртта вилоят — Жиззах, Сурхондарё, Самарқанд, Қашқадарё электралоқа корхоналари асосида Индонезиянинг «Бакири Коммьюникейшнс Корпорейшн» компанияси билан бирга ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти шаклида битта қўшма корхона ташкил этилди. Учта давлат корхонаси очик турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Барча янги ташкил этилган ҳиссадорлик компаниялари — «Маҳаллий телеком», «Халқаро телеком» ва «Ўзбекистон почтаси» рўйхатдан ўтказилди. Мазкур компаниялар таркибига кирган корхоналар 1997 йилнинг охи-

дорлигини ошириш, белги-ланган вазифаларни рўёбга чиқариш бўйича фаолиятни кучайтириш кераклигига қаратилди.

Шунингдек, ҳайъат йиғилишида «Ўзбекистон почтаси» Давлат акционерлик компанияси корхоналарида мулк ва пул маблағларининг сақланишини таъминлаш аҳволи хусусидаги масала муҳокама қилинди.

ДАКнинг бош директори Р. Э. Зиқиров бу масала бўйича ахборот берди. Амалга оширилаётган тадбирларга қарамай, почта алоқаси корхоналарида мулк ва пул маблағи сақланишининг аҳволи ахшиланмапти. Кейинги пайтларда ҳатто нафақа пулларини сақлашни тартибининг бузилиши ҳоллари кўпайди. Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод, Шаҳрисабз туманларида, Тошкент вилоятининг Гулбахор ва Фалъакент туманларида, Нукус шаҳрида, Хоразм вилоятининг Гурлан туманида шундай ҳоллар рўй бергани аниқланди.

Ҳайъат аъзолари «Ўзбекистон почтаси» ДАКда, унга қарашли корхоналарда мулк ва пул маблағлари сақланишини таъминлаш бўйича ишлар мутлақо қаноатланарли эмаслиги, жойларда бу борда тегишли назорат, керакли қаттиққўллик ва талабчанликнинг йўқлиги, қўри-лаётган тадбирларнинг самарасизлиги, текширишлар номигагина, юзаки ўтказилиши, қондани бузиш ҳоллари кўпинча аниқланмай қолишини айтиб ўтдилар.

Ҳайъат қабул қилинган қарорда «Ўзбекистон почтаси» ДАКнинг мулк ва пул маблағлари сақланиши бўйича иш қаноатланарли эмаслигини қайд этди. ДАК раҳбариятига почта корхоналаридаги пул маблағларининг сақланишини таъминлаш, текшириш ва назорат самарадорлигини ошириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш топширилди.

А.КУДИНОВ

ОЛАМДА НИМА ГАП?

«Янгиликлар» «Воқеалар» «Хабарлар»

● Хоразм вилояти пахтакорлари қабул пунктларига 290 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» етказиб бериб, давлат буюртмасини республикада биринчи бўлиб бажардилар.

● Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейида Булхоро ва Хиванинг 2500 йиллигига бағишланган кўргазма очилди.

● «Тўртлар иттифоқи»га кирувчи Россия, Беларуссия, Қозогистон ва Қирғи-

зистон Президентлари Мо-сквада 22 октябрда учра-шишлари маълум қилинди.

● Адабиёт соҳасида 1997 йилги Нобель мукофоти Италиянинг 71 ёшли машҳур драматурги Дари Фога берилди. У ўзининг «Мистерия бу-ффе»дек пьесалари билан машҳур. Тинчлик соҳасидаги 1997 йилги Нобель мукофоти эса пиёдаларга қарши миналарни ман этиш бўйича халқаро ҳаракатга ва унинг етакчиси Жо-ди Вильямс хонимга берилди.

ШУ СОНГА ШОШИЛИЧНОМА

«Чироқчи почта алоқа боғламаси жамоаси 1998 йил учун «ХАВАР» газетасига 118 нусхада обуна бўлишди. Севимли газетамиз ижодий ходимларига омадлар тилаб

Боғлама бошлиғи К. ЖУМАНОВ, Қашқадарё вилояти»

● Обуна — 98

АЗИЗ МУШЦИЛАРИМИЗ!

Алоқа хизматидаги муаммолар, янгилик ва ўзгаришлар, соҳанинг заҳматкаш фидойилари, ижтимоий-сиёсий воқеалар, маънавият олами, боқий қадриятлар тўғрисида мунтазам ўқиб бориш ҳамда ҳафталик теледастур билан танишишни истасангиз, «ХАВАР» газетасига обуна бўлишни унутманг!

ОБУНА БАҲОСИ:

Якка тартибдаги обуначилар учун:

1 ойга 43, 6 ойга 258, 12 ойга 516 сўм.

Нашр кўрсаткичи: 227

Ташкилот ва корхоналар учун:

1 ойга 82, 6 ойга 492, 12 ойга 984 сўм.

Нашр кўрсаткичи: 228

УЛУФ ЮРТИМ, ТАРИХИНГДА БОРДИР СУРУР, БОР МАЪНИ,

Бухоронинг 2500 йиллигини нишонлаш ҳақидаги қарор алоқа хизмати соҳасидаги туб бурилишлар билан ҳамоҳанг бўлиб, бу шонли санани муносиб кутиб олиш нияти алоқачиларни янги зафарлар сари чорламоқда.

Мухбиримиз Бухоро вилояти электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси бош муҳандиси У.Ф. Тўхтаев билан шу мавзуда суҳбатлади.

— Бухоронинг 2500 йиллиги нишонланиши, — дейди Уроқ Ғаниевич, — ҳалқимизнинг маданий, маънавий тарихи дундаги нуфузли ташкилотлар ва жаҳон жамоатчилиги томонидан тан олинishi демаскидир. Бу биз учун қувончли ва ҳар қанча фарланса арзиғулик воқеадир. Шу боис ҳам вилоят ҳокимлиги раҳбарлигида бу санани муносиб кутиб олиш мақсадида кенг қуламда ишлар олиб борилади. Кези келганда шунинг ҳам янги керакки, Бухоро вилояти электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси таркибига Бухоро шаҳар электралоқа боғламаси, шаҳарлараро телефон-телеграф станцияси, вилоятнинг 11 та туманидаги электралоқа боғламалари кирди ва вилоят электралоқа тизимини ташкил этади. Юбилей муносабати билан Бухоронинг эски шаҳар қисмида, Абдулла Набиев, Баҳауддин Нақшбанд, Иброҳим Муминонов кучаларида ва Когон автомобил йўлида симеоччи алоқа линиялари ер ости кабеллари алаштирилди. Баъзи кучаларнинг кенгайтирилиши боис телефон каналлаштириши ва кабелларини қучиришига тўғри келди. Юбилейга тайёргарлик дарида ҳам, юбилей кунларида ҳам жаҳоннинг турли минтақаларидан келган меҳмонлар, байрам иштирокчилари ва сайёҳларга сифатли алоқа хизмати кўрсатиш билан байрам шодоналигига уз хиссамизни кўшамиз.

Шу кунларда шаҳар телефон тармоқларида умумий сигими 79 мингта яқин, қишлоқ тар-

могида эса 33 мингта яқин абонентга мулкдорларнинг АТСларимиз мавжуд АТСларимизнинг барчасида буш рақамлар бор. Янги қурилатган куп қаватли ва яқка тартибда қурилатган турар жой да-

ла низоми ишлаб чиқилган. Унда телефонлардаги носозликларни Узбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан белгиланган муддатларда бартараф этиш қузда тутилиб, бир телефоннинг носозлиги ҳақида қайта тушундирилган шикоятларга қатъа эътибор берилган. Ҳар ойда корхона техника кенгаши шу маълумотларни таҳлил қилади ва ходимлар ишига ҳолисона баҳо берилиб, тегишли қарор қабул қилинади. Бошқача айтганда, моддий манфаатдорлик иш сифатида бевосита боғлиқ бўлганлиги учун ходимларимиз яхши ишлашга ҳаракат қи-

лар ва туман марказларидати эскирган АТСлар умумий сигими 65 минг абонентга мулкдорларнинг янги электрон АТСларга алаштирилди. Бундан ташқари, Бухоронинг Моҳи Хосса, Трикотаж, Геофизика каби даҳаларида янги АТСлар қурилади. Станциялараро алоқани таъминлаш учун шиша толали кабеллар етказилади. Умумий узунлиги 205 километр булган транспорт еки кабел ҳалқаси деб номланувчи ҳалқа бунед этилади. Бу усул бирон жойда кабел шикастланган тақдирда ҳам ҳеч қандай узилиш ва қийинчиликларсиз станциялараро алоқани бошқа йу-

ТОЕ магистрали вилоятимизнинг бешта тумани ҳудудидан ўтди. Созлаш ишлари битказилгач ана шу туманлар узаро электралоқада қисман ТОЕ кабелидан фойдаланиладилар.

Алоқа соҳасида мутахассислар масаласи доимо доллар муаммо бўлиб келган. Кейинги йилларда соҳага алоқа техникасининг бутунлай янги авлоди кенг қуламда ва шиддат билан кириб келиши бу муаммони янада қўзғатди қилиб қуйди. Шу боис ҳам «Маҳаллий телекоммуникациялар» компанияси ҳамда Узбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигида бу масалага жуда қатъа эътибор берилмоқда. Қолаверса агентлигининг чет эл етакчи фирмалари билан бир неча йиллик ҳамкорлиги натижасида қатъа тажриба орттирилди. Чет эл мутахассислари билан уларнинг уз она тилларида алоқа техникаси буйича бемаълум «тиллаша оладиган» мутахассисларимиз пайдо бўлди. Бухоро вилояти электралоқа ишлаб чиқариш корхонасининг имкониятлари ва бу борадаги истиқболларига келсак, Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган ҳар бири 10 минг абонентга мулкдорлар билан ушбу электрон АТС-ни даярли учун йилдан бунен ишлатиб келмоқдамиз. Қувонарли ери шундаки, бу АТСларда ишлатилган мутахассисларнинг аксарияти маҳаллий кадрлардир. Япон мутахассислари билан ёнма-ён ишлаш учун Тошкентда 18 киши ўқиб келди. 9 киши эса Японияга ўқинишга жўнаш арасидаги турибди. Қолаверса, вилоятимиз ишларидан Тошкент алоқа коллежи, Тошкент электротехника Алоқа институтида таҳсил оладиганлар бор. Уларнинг айримлари бир неча йиллардан бери соҳада ишлаб келадиган филолий ходимларимизнинг фарзандлари, бизнинг келажимиздир. Хулоса қилиб демоқчиманки, имкониятнинг ҳам, истиқболнинг ҳам яратилган кўп жиҳатдан узимизга боғлиқ.

ИСТИҚБОЛНИ ЯРАТИШ ҲАҚИДАГИ ХАБАРЛАР

ҳаларини ҳисобга олмаганда, аҳоли ва корхоналарнинг телефонга бўлган эҳтижи тула қондирилган.

Утган йили шаҳардаги хизмат муддатларини утаб булган декадали, одимлаб ишловчи тизимлида учта АТСни Жанубий Кореянинг ДЭУ фирмаси билан ҳамкорликда умумий сигими 30 минг абонентга мулкдорлар билан янги замонавий электрон АТСларга алаштирган эдик. Абонентларимиз бу АТСлар хизматида мамнун. Янги АТСлар компьютерлар билан жиҳозланган. Абонентлар телефонларининг носозлиги ҳақидаги хабарлар компьютерга киритилди. Компьютерда эса абонент ҳақидаги барча керакли маълумотлар (телефон соҳибининг фамилияси, АТС ва шаҳарлараро телефондан фойдалангани учун туланган пул ҳақидаги ахборотлар, телефоннинг қачон, нима сабабдан ва қанча муддат ишламай қолгани ҳақидаги маълумотлар) бўлади. Бу нарсая операторларга абонентларнинг шикоятларига тез, аниқ жавоб бериш ва телефоннинг солаш борасида шикоятчи чоралар қўриш имконини беради.

Мантурлар, муҳандис, техник ходимларга мукофот тулаш ҳақи-

да олишади.

Республикамиз мустақилликка эришгач, қисқа муддатда туб ўзгаришлар руй берган соҳалардан бири — электралоқа соҳаси десам муболага бўлмас. Яқин-яқинларга қўйилган учун ширин ҳасадек туяладиган пейзаж алоқаси, электрон АТСлар, уяли алоқа каби электралоқа турлари ва дуненинг барча шаҳарлари билан истаган вақтингизда ҳеч қандай қийинчиликларсиз телефон орқали сузлашиш ҳозир оддий воқеа бўлиб қолди.

Ўзбекистонда дуненинг электроника ва алоқа техникаси ривожланган барча давлатлар, жумладан; Америка, Англия, Германия, Франция, Исроил, Италия, Жанубий Корея, Индонезия, Япония фирмалари республикамиз алоқачилари билан замонавий янги техника ва технологияни жорий этиш борасида ҳамкорлик иш олиб бормоқдалар. Бухоро ҳам бундан мустаъно эмас.

Шу кунларда эса Япония билан тузилган шартномага қўра ўнинг ОЕСФ, НЕК ва Мицуи фирмалари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдамиз. Шартномага қўра, 1998 йилнинг охиригача ша-

налияшда ташкил этиш имконини беради. Ҳозирги ишлаб турган кабел тизими ҳам қолаверди. Бухородаги барча АТСлар электрон АТСларга алаштирилгач, маҳаллий компьютер тизимини ҳам ишга тушириш қисмини японлар, телефон каналлаштириши ва кабел ўтказишга оид қисмини эса, бошқармаимизнинг лойиҳа-смета гуруҳи бажаради. Лойиҳамиз Тошкентдаги УААИДА (Ўзбекистон Алоқа лойиҳа институти) экспертизадан ўтди. Жиддий эътирозлар бўлмади. Ишларни бошлаб юбордик. Кабел ўтказиш учун каналлаштириш тахт қилиб қуйилди. АТС жиҳозлари уриштирилган хоналар ва биналар таъмирланаяпти. Шартномага биноян Бухоро шаҳарлараро телефон станциясида ҳам қатъа ўзгаришлар бўлади. Бу ерда 5000 рақамли янги станция ишга туширилади. Қўриб турибизки, қатъа ишларни бошлаб қуйдик.

Ҳабарингиз бор, алоқа соҳасида улкан воқеа булган давлатлараро Транс-Осиё-Европа (ТОЕ) кабел магистралининг қурилатгани ҳақида аниқ материаллар беришди. Шиша толали кабелдан иборат

МУКОФОТ МУБОРАК!



Ромитан туман электралоқа боғламасига қарашли «Қўрғон» автомат телефон станциясининг электромантурни Нутфилло ака Рўзиев ҳалол ва машаққатли меҳнати эвазига халқ ўртасида обрў-эътибор топган инсон.

лардан. Бу ҳурматга эришишда Нутфилло акага устози Фани ака Ражабов ёрдам берди, касб сирларини ўргатди. Ўзи ҳам астойдил меҳнат қилди. Яқинда Президентимиз томонидан кўплаб меҳнат илғорлари қатори Нутфилло ака ҳам «Шўхрат» медали билан тақдирланди. У кишининг Қўрғон, Варахша, Янгиобод, Янгиер, Чўпонота жамоа хўжаликларидеги хонадонлар телефони нуқсонсиз ишлашида хизматлари қатъа. Нутфилло ака оилада 4 нафар фарзанднинг меҳрибон отаси, ишда ҳаммага ўрнак инсон.

Шу кунларда бир қувончига минг қувонч қўшилиб, эл қорига камарбаста бўлаётган алоқачи акамизга мукофот муборак бўлсин деймиз.

Ш. БОҚИЕВ,
Бухоро вилояти



БУХОРО. АБДУЛАЗИЗХОН МАДРАСАСИ.

БУХОРО ҚАСИДАСИ

Абдулла ШЕР

Қадимият ёлқинлариде
Эй, дур каби порлоқ Бухоро,
Наршаҳийнинг талқинлариде
Оқ, кийинган, оппоқ Бухоро!
Бухорхудот Моҳ ҳали бутта
Моҳ бозорини тўлдиримай туриб,
Ҳали Зардушт ибн Сафидга
Биштосп сажда келтирмай туриб,
Эйиб Қуръон овозасини
Ваъз айтмасдан Муҳаммад ҳали,
Ҳали Ҳайбар дарвозасини
Очмасидан Музаффар Али,
Сен бор эдинг, бетакрор эдинг,

Саодатли санамлар юрти,
Тангрисиз ҳам бахтиёр эдинг,
Кароматлар, карамлар юрти.
Ҳар авлодга янги уфқ очиб,
Ҳилпираган ялов Бухоро,
Муқаннаннинг яллигини сочиб,
Кул босмаган олов Бухоро!
Гарчанд гоҳ-гоҳ ёниқ дудингдан
Қурум босди тарихни ҳатто,
Гоҳо чиқиб ўз вужудингдан,
Эзгу руҳдек яшадинг, аммо
Ўсаверди ниҳоллар саф-саф,
Шеър ёзилди, зарб бўлди дирҳам,

Ғамни қувиб, халқни шарафлаб
Кезаверди Насриддин ҳам.
Одам Ато яралган қундан
У кезади — Хуржунда зиё.
Минг йилларки, ўша хуржундан
Умидини узолмас дунё.
Энди у зот ўтган йўллардан
Бугунги КҮН ўтиб боради,
Сен узатган қадоқ қўллардан
Фарзандингдек тутиб боради.
Ўз қарзини узар у сендан —
Айтажақдир буюк сўзини.
У бахш этган виқор, хусндан
Дунё ишкар тинган кўзини:
Сен қомронсан, сен — бахтли падар,
Бугундан рози Бухоро
То азалдан абадга қадар
Эркинликнинг сози Бухоро.

АСРЛАР ҲАМ ҚАРИТОЛМАС БУХОРО-Ю ХИВАНИ

Хиванинг 2500 йиллик тўйи арафасида мухбиримиз Хоразм вилоятида бўлиб, Хоразм вилояти давлат электралоқа қорхонасининг бошлиғи М.С.Собилов билан суҳбатлашди.



— Махмуд Салоевич, Хоразм вилоятида электралоқа хизматининг ҳозирги аҳоли ва юбилейга алоқачиларнинг қўшаётган ҳиссалари ҳақида қисқача сўзлаб берсангиз?

— Хоразм вилояти таркибига учта шаҳар ва унча туман бор. АТСларимизнинг умумий сифими 80 минг бўлиб, 79 минг абонентимиз бор. Бу жуда юқори кўрсаткич. АТСларимиз асосан координат тизимидаги АТСлардир. Вилоятда электралоқанинг барча туларидан кенг қўламда фойдаланиб келинади. Қорхонамизда 1048 нафар ходим меҳнат қилади. Уртача ойлик иш ҳақи 3 минг 800 сўмини ташкил этади. Хоразм вилояти республикаимизнинг Оролбўйи ҳудудларидан бири ҳисобланади. Шу боис иқлим шароитида ҳам, ерости алоқа иншоотларини ишлатишда ҳам ўзига хос томонлари кўп.

Хиванинг юбилейи эса ҳаммамиз учун катта байрам. Зеро, Хива бетакор тарихий обидаларга бой, жаҳон жамоатчилиги музей шаҳар деб тан олган маскандир. Юбилей муносабати билан катта ҳажмида курилиш, таъмирлаш ишлари олиб борилди. Табиийки, алоқа соҳаси ҳар қандай шаҳар ҳўжалигининг ажралмас бир қисмидир, шунинг учун байрамга ўз хиссамизни баҳоли қудрат қўшдик. Хусусан, Урганч шаҳрида ва Урганч—Хива оралиғида троллейбус линияси курилиши муносабати билан троллейбус қатнайдиган кўчаларни кесиб ўтувчи симёғочли

алоқа кабелларини ер ости кабелларига алмаштирдик. Троллейбус депосини телефонлаштирдик. Баъзи жойларда телефон каналзацияларини кўчиришга тўғри келди. Ичан Қалъа ичидаги алоқа кабелларининг ҳаммаси ер остига олинди ва бир вақтнинг ўзиде линия яна кўшимча 2000 та телефон ўрнатишга мослаб қайта таъмирланди. Хива шаҳридаги 6000 абонентга мўлжалланган координат тизимидаги АТСимиз Урганчдаги «АлоқаДЭУ» заводида ишлаб чиқарилган 8 минг абонентга мўлжалланган ДТС-3100 русумидаги замонавий рақамли АТСга алмаштирилади. Янги АТСда монтаж ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Урганч—Хива оралиғида японлар билан ҳамкорликда ишлаш талаби кабел ётқизиш ишлари бошлаб юборилди. Юбилей қалбимизда шодлик ва ғурур ҳисларини уйғотиш билан бирга биз алоқачилар зиммасига кат-

талари асосан станция ускуналари монтажи ва сошлаш ишларини бажарадилар. Биз эса истиқболдаги ривожланишни ва рақамли АТСларда абонентларга блокираторлар ўрнатилмаслигини, яъни ҳар бир абонентнинг телефон рақами ҳам, линияси ҳам алоҳида бўлишини ҳисобга олган ҳолда линия-кабел ҳўжалигини қайта таъмирлашимиз керак. Бунинг учун 60 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришимиз режалаштирилган. Шу йилнинг ўзиде сифими 15 минг жуфтлик кабеллар таъмирланди ва янгилари ётқизилди. Янги АТС қуриладиган бинолар станция талаблари даражасида мослаштирилган ва таъмирланган. Бундай ишлар баъзи вилоятларда бундан 2—3 йил муқаддам бошланган эди. Биз буларнинг тажрибасини ҳам ўрганиб иш юритмоқдамиз. Бу шу кунги режаларимиз. Асосий ишлар эса олдидан.

— Янги техникани ишлатиш учун янги мутахассис-ҳодимлар керак бўлади. Бу борадаги ишлар қандай ташкил қилинган?

— Алоқа соҳасига электрон

ХОРАЗМ АЛОҚАЧИЛАРИ

та масъулият ҳам юклади.

— Вилоят электралоқа хизматининг истиқболлари ҳақида ҳам гапириб берсангиз?

— Кейинги йилларда алоқа соҳасида туб ўзгаришлар бўлаётгани матбуот хабарларидан яхши маълум. Республикаимизнинг Навойи, Бухоро, Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятларида электралоқа хизматини яхшилаш, эскирган жиҳозларни янги, замонавийларига алмаштириш масаласида Япония фирмалари билан узоқ муддатли шартнома имзоланган. Шу шартномага кўра 1997—98 йиллар давомида АТСларимизнинг умумий сифими 90 мингга ётқизилди. Шундан 61500 «АлоқаДЭУ» заводининг рақамли электрон АТСлари бўлади. Урганчдаги ҳозирги 1500 рақамли шаҳарлараро телефон станцияси Япониянинг NEC фирмасининг NEAX—61 русумидаги станциясига алмаштирилиб, сифими 5400 рақамга ётқизилди. Германиянинг «Телепорт» фирмаси билан ҳамкорликда ахборот-ҳисоблаш маркази қурилади. У 1998 йилда жаҳон андозаларига жавоб берадиган ускуналар билан жиҳозланади. Чет эл фир-

техниканинг тез ва кенг қўламда кириб келиши бу борада мутахассис кадрлар тайёрлаш ишларини ҳам замон талаби даражасига кўтаришни тақозо этмоқда. Аввало бизга алоқа техникасини ётқизиб берувчи Япония ва Жанубий Кореянинг ўқув марказларига муҳандисларимизни ўқишга юбордик. Бу иш энди мунтазам давом этаверади. Йил охиригача «АлоқаДЭУ» заводида 18 киши ўқитилади. Биз бу борада бошқа вилоятларга қараганда ҳар қалай имтиёзга эгамиз, сабаби электрон АТСларини ишлаб чиқарувчи Ўзбекистондаги ягона «АлоқаДЭУ» заводи ўзимизда — Урганчда жойлашган. Заводда мутахассислар тайёрловчи доимий курслар бор ва заруратга қараб бу имкониятдан фойдаланаверамиз. Булардан ташқари шу йили Тошкент электротехника Алоқа институтига вилоятимиздан етти киши шартнома асосида ўқишга кирди. Уларнинг ҳар бири учун 87 минг сўмдан пул тўлади. Ҳаммаси бўлиб шу кунда бу ўқув марказида вилоятимиздан 24 киши ўқимокда. Улар билан ҳар йили икки мартадан учрашиб, маънавий ва моддий рағбатлан-



Хиванинг машҳур Ичан Қалъаси катта ҳаётга қадам қўётган навқирон авлодлар учун муқаддас зиёратгоҳдир.

тириб турибмиз. Талабаларимиздан 4 киши фақат аъло баҳоларда ўқимокда. Тошкент Алоқа коллежида эса 13 киши тахсил оляпти. Улар билан ҳам доимий алоқа ўрнатилган.

— Қорхона дебитор қарзлар масаласини қандай ҳал этапти?

— Бу муаммо мунтазам ва жиддий шуғулланишни тақозо этадиган масала бўлиб қолди. Дастлабки ишларимиздан бири — абонентлар билан шартнома тузиш ва маҳаллий матбуотда эълонлар бериш бўлди. Мантўрларимиз билан ҳам шартнома туздик. Улар жойларда абонентлардан хизмат ҳақларини йиғиладиган ва бунинг учун қўшимча муқофот пули оладиган бўлишди. Ҳўжалик судлари ҳам ердан бермоқдалар. Бунинг эвазига улар қорхоналардан ундирилган дебитор қарзларнинг икки фоизи миқдорда пул оляптилар. Айни пайтда қарзларини

ўз вақтида тўлайолмаган қорхоналардан қарзлари ҳисобига қурилиш моллари олдик ва Урганчда саккиз хонадонга мўлжалланган уй қураيمиз. У шу йил охиригача битиши керак. Урганч тикувчилик фабрикасида қарзи ҳисобига мантўрларимиз, кабелчиларимиз ва станция ходимлари учун 300 минг сўмлик миқдорда махсус кийимлар олдик. Шу йиллар билан дебитор қарзларини қамайтиряймиз. Ҳар қалай ўтган йилдан қолган қарзлар йўқ. Пулини вақтида тўламаётганларнинг телефонларини ўчириб қўйиш — бу борадаги бирдан-бир тўғри йўл эмас деган фикрдаман. Абонентлар билан ишлаш ола билиш керак.

Даромад режаларимиз бажарилоқда. Масалан, ўтган саккиз ойда умумий ҳажми режадаги 195 миллион ўрнига 212 миллион сўмлик даромад олинди.

Рустам Янгибоев 1985 йили Тошкент электротехника Алоқа институтини битирган. Шундан бери Урганч шаҳарлараро телефон станциясида муҳандис. Жорий йилнинг май ойида Японияга малака ошириш учун икки ойлик ўқишга бориши керак бўлган бир ғуруҳ ёш мутахассислар Алоқа институтида йиғилдилар. Улар орасида Рустам Янгибоев ҳам бор эди. Институтда бир ҳафта мобайнида «Узатишнинг рақамли тизимлари» мавзусида машғулотлар бўлди. Сўнг шу мавзу асосида тест синовлари ўтказилди. Рустам Янгибоев синовларда энг кўп балл тўлаб, Японияга борувчилар рўйхатидан биринчилар қаторида ўрин олди. Куйида Р.Янгибоевнинг сафар таасуротларини эътиборингизга ҳавола қилаймиз.

— Япония пойтахти — Токиога 5 июнь кунини етиб бордик. Бизнинг гуруҳимизда 16 нафар мутахассис ва бир таржимон бор эди. Гуруҳимиз раҳбари «Маҳаллий телеком» акциядорлик компанияси ходими Омон ака Насруллаев аввал ҳам чет элларда бўлиб, анчагина

ЯПОНИЯДА ИККИ ОЙ



тажриба орттирган, қолганлар эса бундай сафарларда биринчи марта бўлишимиз эди.

Токиода бизга ўқув дастурини беришди. Ўқишлар эса NEC фирмасининг ўқув-машғулотлар марказида бўлди. Биз билан бир вақтда параллел гуруҳларда Бразилия, Германия, Франция ва Филиппиндан келган мутахассислар ҳам ўқишарди.

Ўқишлар инглиз тилида олиб борилди, таржимонимиз бизга таржима қилиб беради. Ўқув жараёни жуда яхши ташкил этилган, ҳатто доскага ёзилаётган формулалар, чизмалар ва ёзувларни дафтарга кўчириб ўтиришга ҳоҳлат йўқ, истаган вақтингда компьютерда уларнинг нусхасини чиқариб беришарди, шунинг учун дарс вақтида бутун вужудингиз билан ҳар бир иборани илғаб ва эслаб қолишга ҳаракат қиласиз. Машғулотлар соат 9.30 дан 16.30 гача бўлади. Дастур жуда ранг-баранг ва кенг қамровли. Бекор вақт йўқ. Биздагидек «перекур» ҳам йўқ. Лекин танлафус вақтида чой, кофе ва сутни истаганингизча ичаверасиз. Ўқувчиимиз испаниялик экан. Уларда NEAX—61 станцияси 30 йил аввал ишга туширилган экан. Ўзи шу станцияда 10 йил ишлаб, ҳозир шартнома асосида бу ерда дарс бераётган экан. Ундан ташқари яна иккита япон аёли ҳам дарс беришди. Станцияни ўрганиш билан бирга инглиз ва япон тилларида энг кўп


учрайдиган сўзлар ва жумлаларини ҳам ўргатишди. Ўқув марказида ўқув машғулоти ўтказиш учун махсус станция бор. Амалда ишлаб турган станцияларга эса олиб боришмади. Станцияни ишлаб чиқарадиган заводда ҳам бўлдик. У ерда ишлаб чиқариш жараёни билан танишдик. Япон техникаси ва технологияси шу соҳадаги энг мукаммал техника ва технологиядан бири эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Дарҳақиқат японлар чиқараётган ускуналари ва аккумуляторларининг 25 йил бенуқсон ишлашига қаролат берадилар. Станцияни ишлатиш жараёнида компьютер орқали бирон-бир блокда носозлик аниқланса, шу блок NEC марказига юборилар, у ердан эса янги блок текинга жўнатиладилар экан. Марказ эса кечаю-кундуз тинимсиз ишлайди.

Ўқишни тугатганимиздан кейин бизга сертификат беришди. Умуман олганда, Япония техникаси жуда ривожланган мамлакат, шаҳар кўчалари озода, тартиб-интизом кучли, одамлари эса ҳўшумола, маданиятли ки-

шилар экан.

МУАЛЛИФДАН:
Рустамдан сертификатни кўрсатишни илтимос қилдим. У эса нурун мактабни қўйиб, ухжолат чеккан кишига ушлибгина жовондан сертификатни олиб, менга узатди. Сертификатни очар эканман, зарҳал ҳарфлар билан битилган сўзлар жодасида йирик ҳарфлар билан ёзилган Рустам ЯНГИБОВ деган ёзувларга кўзим тушди. Оддий бир ўзбек йигити тилида берилган ҳужжат мустақил Ўзбекистонимизнинг янги тарққийёт сари дадил одимлаётгани, унинг гуллуб-яшнаши ёшлар қўлида эканлиги, Рустам эса шундай ёшларнинг бири эканлигидан қалбим ҳавас ва ажиб ҳисларга тўлди. У майин табассум билан менга қараб турган экан. Бу табассум ҳамкасблари, элу юрти ишончини оқлаган камтарин ўзбек ўғлонининг табассуми эди.

Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик тўйига бағишланган материалларни махсус мухбиримиз Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ тайёрлаган.



АЛОҚАЧИ ҲАМРОҲИ

Ажойиб ихтирочи Томас Альва Эдисон туғилганига 150 йил тўлди. Фан ва техника ривожига улкан ҳисса қўшган, нодир истеъдод соҳиби Эдисон ихтиролари учун АҚШда 1100 та, чет элларда эса 3000 дан зиёд патент олдики, ҳали бу кўрсаткич бирон бир ихтирочиға nasib этган эмас. У ўзининг илмий-тадқиқот марказларида яратган ихтироларини sanoat мажмуаларида кенг қўламда ишлаб чиқара олган тажиклотчи ҳамдир. Шу боис у АҚШда, кўп жиҳатдан Европада ҳам электротехника sanoatининг ривожига асос солди.

Томас Альва Эдисон 1847 йилнинг 11 февралда Майлан шаҳрида туғилди. Отаси — Семюэль Эдисон савдо билан шуғулланар, онаси Ненси Эллиот Эдисон ўз замонасининг ўқимишли аёлларидан бўлиб, мактаб ўқитувчиси эди.

1854 йили Эдисонлар oilаси Мичиган қўли яқинидаги Порт-Гурон шаҳрига кўчиб ўтди. Oilодаги етти фарзанднинг кенжатоий Альва мактабда мунтазам ўқий олмасди. Унинг кўпгина ҳолларда мактаб дастуридан ташқари бўлган саволлари ўқитувчиларнинг ҳам асабига теғар, шу сабаб уларнинг баъзилари Альвони ёқтиришмас, телбарор дейишарди. Уларнинг ўқини билан онаси шуғулланар, Альва эса ўқини яхши кўрар, яхшигина чи-за олар, синчков, кимё тажрибалари билан кизиқар, шу боис унинг ертўласида тажрибахона ташкил этган эди.

Эдисон 12 ёшдан бошлаб ораси 200 километр бўлган Порт-Гурон ва Детройт оралигида қатновчи поездда газета, журнал, ширинликлар ва мевалар сотиб, мустиқли равишда пул топа бошлади. Кўп ўтмай оқил терувчи эски станок топиб олди ва дунёда биринчи бўлиб темир йўл газетасини ташкил этди. 30x40 см бўлган ҳафталик газетанинг муассиси ҳам, муҳаррири ҳам, муаллифи ҳам, харф терувчиси ҳам, сотувчиси ҳам Эдисоннинг ўзи эди. Юк вагониди — «босмаҳона» жойлашган ерда кимёвий тажрибалар ҳам ўтказар эди. Бир кун тажрибалар вақтида фосфор алангаланиб кетиб, ёнғин чиқди. Вагон кондуктори «босмаҳона»нинг ҳам, тажрибахонанинг ҳам, Альвони ҳам вагондан уқитириб юборди, шундан сўнг буюк ихтирочининг қўлиги яхши эшитмайдиган бўлиб қолди.

У 15 ёшида телеграф ишини ўрганди. Морзе алифбосида узатиш ва қабул қилиш борсида жуда катта ютуқларга эришди ва турли шаҳарларда «даиди телеграфчи» сифатида ишлаб юрди. Топган пулларини эса асосан китобларга, кимёвий моддалар ва тажрибалар учун идиллар сотиб олишга сарфларди. Унинг ихтирочилиги 16 ёшдан норасий равишда бошланди. Темир йўлда телеграфчи бўлиб ишлаб, кеч соат еттидан эрталабки еттигача новбатчилик қилиши, уйғоқ ва хўшёрлигини билдириш учун хар соатда диспетчерга сигнал юбориб туриши лозим эди. Кундузи тажрибалар билан банд бўлгани учун кечаси ўқу босарди. Эдисон бу муаммони жуда сода ва аини пайтда гаройиб ечимини топди. Оддий соатнинг соат ст-

релкасини айланттирувчи гилдиракнинг ўқини узайтириб, унга бир тишли шестерна ўрнатди, у эса хар соатда контактларни улаб, телеграф аппаратини ишга тушириб турди. Еш ихтирочиға бу ихтироси учун... қаттиқ хайфсан берилди.

21 ёшида Нью-Йоркка кўчиб келди ва бу ерда биринчи ихтироси — конгрессда номзодларнинг олган овозларини автоматик тарзда ҳисоблаб қичувчи қурилма ихтиро қилди. Гарчи ихтиро учун патент олган бўлса ҳам, конгрессменларнинг эътиборсизлиги сабаб амалда қўлланилмади. 1869 йил-

лаши масофасини узайтириш учун индукцион галтак ва кўмир микрофонларни жорий этди.

1877 йили телефонни такомиллаштириш жараёнида овоз ёзиш техникаси — граммофон ва патефонларнинг дастлабкиси — фонографини ихтиро қилди. 1878 йили АҚШ ва Европада фонографларнинг очиқ кўргазмалари ташкил этилди. Фонографлар билан шуғулланиш Эдисоннинг севилими машғулотиға айланди ва кейинги 40 йил ичида уларни бир неча бор такомиллаштирди. 1872 йили электр лампочкасини рус муҳандиси

• Алоқа соҳасининг даҳолари

ТИНИБ-ТИНЧИМАС ИХТИРОЧИ

даги иккинчи ихтироси — биржа ахборотлари ва курсларини олис масофаларга етказувчи ва ёзиб олувчи телеграф асбоби учун 40 минг доллар муқофот олди. Бу пулларга Нью-Йоркда аввал телеграф ва электр ишлари бўйича бюро, кейинчалик устакхона очиб, тез кунда ишловчилар сони 150 кишига етган жамоаға бошчилик қила бошлади.

1871-74 йилларда Эдисон телеграф ишини такомиллаштириш, узатиш тизлигини бир мейёнда ишлашни таъминлаш ва самарадорлигини ошириш мақсадида автоматлаштириш ишлари билан шуғулланди. Бир маромда ишлай олмайдиган релелор ўрнига сигналларни қайта узата оладиган асбоб — электромотографи ихтиро қилди. Шу билан бирга кўпайтирувчи аппарат — мимеографни (ҳозирги роторлар) яратди. Телеграф соҳасидаги дуплексе деб аталувчи асосий ютуғи уша 1874 йили бир симли линиядан бир вақтининг ўзида, икки томондан қарама-қарши йўналишда ахборотларни узата олиш имконини яратиши бўлди.

1876 йили Нью-Йоркдан 38 километр масофада бўлган Менло-Парк деган жойда энг муқаммал ускуналар билан жиҳозланган ва ранг-баранг илмий-техникавий китоблардан иборат кутубхонаға эга бўлган тажрибахона ташкил этди. Бу илмий изланишлар ва уларни sanoatда тadbик этиш учун мўлжалланган дунёдаги биринчи тажрибахона эди, шу боис ҳам Эдисонни Менло-Паркдаги даври унинг ижодий ва ташиқилотчилик қобилиятининг гуллаган давриға турғи келлади. Ана шу ерда Белл телефонини муқаммаллаштириш устида ишлаб, телефондан фойда-

вий фойдаланишға, мўлжалланган бир йўла 10 минг лампани электр қуввати билан таъминлай оладиган биринчи иссиқлик электростанцияси ишга тушди. 1886 йилға келиб Эдисон ихтиёридаги электростанцияларнинг сони 41 таға етди. 1879-1882 йиллар Эдисон ҳаётида катта ижодий ютуқларни қўлга киритиш даври бўлди. Биргина 1882 йилнинг ўзида у ўз ердამчилири билан 141 та патент олишға эришди.

1880 йиллардан бошлаб Эдисонни харакатдаги объектларнинг суратини олиш гэси қизиқтириб қолди. 1891 йили лентали киноаппаратларнинг яратилишига асос салган кинескоп деб номланган, харакатдаги объектларни хар ким алоҳида томошо қилиши мўмкин бўлган аппаратни ихтиро этди.

Эдисон темир йўлларни электрлаштириш ишға ҳам катта қизиқиш билан қаради. Аввалги электр қуввати иккала рельс орқали етказиладиган электровозлар устида изланишлар олиб борди. Бундай электровозлар 6-8 та вагониниға тарта олар эди. Кейинчалик ток манбасининг бир қўбини алоҳида симлар орқали узатиш гэсини ҳам илғари сурди. Электр қуввати билан харакатланадиган электромобиллар аккумуляторларини такомиллаштириш устида ҳам ончагина ишлар қилди ва натижада аккумуляторларнинг янги тури — темир никелли, ишқорли аккумуляторлар яратилди. 1910 йили эса, аккумулятор ишлаб чиқарувчи йирик завод қурилди. Эдисон бошқа кўпгина соҳалар, жумладан цемент ишлаб чиқариш соҳасида ҳам катта ишлар қилди. Эдисоннинг меҳнатлари, унинг кашфиётлари давлат бошлиқлари, жоҳон жамоатчилиги, фан ва техника номиёддалари томонидан юксак баҳоланди. Эдисон фақат ажойиб ихтиролар муаллифи сифатидагина эмас, балки ихтироларини инсонларға хизмат қилиши учун уларни кенг қўламда ҳаётға тезроқ тadbик этиш фазилати билан шўхрат қозонди. Бу йўлда у на маънавий, на жисмоний, на моддий бойликларини аямоди, тижорат ишларини ҳаётда виждонли ва диёнатли бўлди. Унинг ихтирочилик борсидаги оқл бовар қилмас ихтидори фан ва техниканиннг ҳаёт учун зарур ва истиқболли соҳаларини бехато илғаб олар ва шу йўналишда то мақсадиға эришмагунча синав ва тажрибаларни эринмай давом эттираверар эди. Тинимсиз ишлашиға қарамой мусиқка, бодий адабиётға қизиқди. Узи скрипкада яхшигина чала олар, шахсий кутубхонасида эса 60 минг китоб ва журналлар бўлиб, у нафақат инглиз тилида, болки француз, италян, немис тилларида ҳам техника адабиётларини бемалол ўқир эди. Тиниб-тинчимас ихтирочи 1931 йилнинг 18 октябрида 84 ёшида вафот этди.

Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
тайёрлади

КОРХОНАЛАР УЧУН ҚУЛАЙ АТС

Корхона ва ташкилотлар учун мўлжалланган, Siemens фирмаси ишлаб чиқараётган Nicom деб номланувчи АТС шу мақсадларда ишлатиладиган станциялар орасида энг муқаммал ва абонентларининг корхона худудида ишончли қўлма радиоалоқаға бўлган эҳтиёжларини тўла қондира оладиган АТС дейиш мўмкин. Nicom станциясининг жиҳозлари миждо истагиға қараб ўтказиш қобилиятини кенгайтира оладиган, хонада ўрнатиладиган асосий станциядан иборат. Тизимнинг афзаллиги шундаки, у корхоналарнинг катта худудларини радиотелефон алоқаси билан қамраб олади. Бунинг учун станцияда бино ичида 50 м, очиқ майдонларда эса 300 метрғача бўлган масофада радиоалоқа ўрнатиш имконини берадиган уяли бўлакчалар мавжуд. GAP универсал ҳаво интерфеисини қўлланилиши, бошқа фирмалар ишлаб чиқарадиган шунрсиз DECT радиотелефондан фойдаланиш имконини беради. Шундай қилиб, корхона ходимлари уйларидаги DECT русумидаги қўлма телефонларидан ҳам фойдаланишлари мўмкин ёки аксинча уй шароитида Siemens фирмаси ишлаб чиқараётган Gigaset туридаги қўлма телефонлардан Nicom тизимида фойдаланса бўлади.

Nicom тизимининг асосий элементи АТСға ўрнатилган бошқарув платасидир. У бошқа вазифалар қатори уяли бўлакчаларда уланши жараёнида автоматик тарзда каналларни алмаштириш имконини ҳам беради. Махсус қурилмаларнинг мавжудлиги тизимдан фойдаланиш ҳуқуқи берилганларғагина хизмат кўрсатишни қаролатлади ва ниҳоят бошқарув платаси базис радиотелефонларға айрим қўшимча хизмат кўрсатиш ёки аксинча хизмат турларини чеклаш ишларини ҳам бажаради. Битта бошқарув платаси билан 127 та DECT стандартидаги қўлма телефон ва 16 та асосий станциядан иборат радиотелефон тармоғини ташкил этиш мўмкин. Зарурат пайдо бўлганда Nicom 300 станциясиға қўшимча платалар ўрнатиш мўмкин.

Nicom cordless E АТСи деворға ўрнатиладиган, ҳажми 200x176x49 мм, оғирлиги 490 г. бўлган кичик ҳажмдаги станциядир. Масофадан озиклантириш тизимининг мавжудлиги станциянинг ўз шахсий озуқа манбаидан воз кечиш имконини беради ва натижада АТСни ўрнатиш ва ишга туширишни осонлаштиради. Асосий станцияда бир вақтининг ўзида 12 киши сузлашиши мўмкин.

Шу йилнинг 28 сентябрь — 5 октябр кунлари Андижон шаҳридаги мухташам спорт саройи — сеник кортида «Буюк ипак йўли» белгиси остида сателит турнири бўлиб ўтди. Турнирға 14 та давлатдан ракетка усталари ташриф буюридилар.

Шуни алоҳида айтиш жоизки, спорт тadbirlарини ташкил қи-

лиш, зарур техник ва бошқа хизматлар, хусусан алоқа хизмати кўрсатиш турнир иштирокчилари томонидан юқори баҳоланди. Спортчилар, уларнинг ҳамроҳлари уйлари билан гаплашишлари, зарур ҳужжатлар айрибошлашлари учун қўлай имкониятлар яратилди. Андижонлик алоқачилар спорт тadbirlарини барча алоқа турлари — халқаро сузлашув канал-

ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ


лари, бир нечта факсимил аппаратлари, «ДЭУ» компанияси билан ҳамкорликда вилоятиэмизда, шаҳримизда қурилган янги электрон телефон станциялари орқали

таъминландилар. «2010 йилгача Узбекистонда телекоммуникация тизимини қайта қуриш ва ривожлантириш Миллий Дастури» бўйича вилоятиэмизда олиб борилаётган улкан ишларнинг илк натижаларига ушбу нуфузли халқаро турнир иштирокчилари холис баҳо бердилар.

Коргда утказилган турнирда

«Уздунробита» қўшма корхонасининг уяли телефон хизмати билан ҳам фойдаланилди. Бир сўз билан айтганда, андижонлик алоқачиларнинг иши набатдаги жиждий имтиҳондан муваффақиятлы ўтди.

Раҳмонжон УЗОҚОВ,
жамоатчи муҳбиримиз,
Андижон вилояти



СПУТНИК СВЯЗИСТА

«СИМЕНС» ПОМОГАЕТ УЧИТЬ И УЧИТЬСЯ

На выполнение Национальной программы по подготовке кадров и закона «Об образовании», принятых Олий Мажлисом республики в августе текущего года, потребуются не только большие усилия педагогов и руководителей, всего общества, но и немалые капиталовложения на оснащение учебных заведений современными средствами компьютеризации.

В Ташкентском электротехническом институте связи, имеются современные образцы цифровой техники, оптоволоконных кабелей, средств и системы коммутации, передачи, радио и телевидения. Но недостаточ-

но. Тем не менее, о качестве подготовки в этом вузе специалистов можно судить не только и не столько по оценкам отечественных предприятий связи, но и зарубежных. А они весьма высокие! Нигде и ни в чем наши специалисты не уступают зарубежным. Более того, их запас знаний, их кругозор вызывает восхищение.

Благодаря этому в СП и зарубежных фирмах связи ведущие инженерные должности заполнены нашими, национальными специалистами. А на конкретных возводимых объектах при участии иностранцев наши инженеры и техники быстро осваивают премудрости новой зарубежной аппаратуры и передовые технологии, за счет чего все объекты вводятся в строй с большим опережением нормативных сроков и обслуживаются безукоризненно.

И все же для «осовременивания» учебного процесса в институте связи требуется сделать еще очень много! Одна из проблем — внедрение современных компьютеров. Здесь действует свой вычислительный центр, оборудованные компьютерами классы обучения. Институт связи одним из первых применил тестирование при приеме в вуз, внедрил компьютерные программы проверки знаний.

А тем временем на предприятиях связи республики стали широко внедряться самые совершенные электронные, цифровые технические средства коммутации, передачи... Министерство связи (теперь — Агентство почты и телекоммуникаций), лично министр А. Х. Джурабаев сделал своим служебным приоритетом: добиваться от зарубежных фирм, с кем ведется деловое сотрудничество по развитию и модернизации телекоммуникаций страны, создания в институте связи учебных классов, центров сервисного обслуживания зарубежной техники с тем, чтобы педагоги, студенты вуза первыми осваивали новинки, наращивали объем своих знаний и использовали их в процессе учебы.

В прошлом году институту в качестве дара была вручена электронная АТС фирмой «ДЭУ-Телеком».

А на днях в ТЭИСе проведена презентация по случаю открытия учебного класса, оборудованного фирмой «Сименс АГ». Известная в мире и в Узбекистане фирма на свои средства выполнила ремонт помещения с применением современных материалов для отделки, но главное — установила в аудитории два комплекта компьютерного оборудования для видео-конференц-связи. Все оборудование — полностью от «Сименс АГ», большинство из которого собственного производства. Это — компьютеры, принтеры, видеокамеры, телевизоры и видеомониторы и даже проекторы с экранами. Комплекс действующий. Важно не только то, что его можно демонстрировать студентам как образец современных технологий теле-

коммуникаций, но и то, что педагоги смогут теперь проводить занятия и с использованием этих средств для наглядного объяснения учащимся принципов работы современной техники связи, ее широких новых возможностей. «Сименс АГ» вместе с компьютерами подарил институту и комплект программного обеспечения, по этим программам и будут проводиться тематические занятия в новом учебном классе.

